

# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 14 апрель, № 75 (7855) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА БЎШ ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ЯНГИ МЕХАНИЗМ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ҚИЛИНАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 13 апрель куни ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида ёшларга Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида қаралмоқда. Уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, замонавий таълим олиши, касб-ҳунар ўрганиши учун шарт-шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга катта куч ҳамда маблағлар йўналтирилмоқда. Жумладан, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши давлат раҳбарининг доимий эътиборида турибди.

2021 йил мамлакатимизда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили", деб номланиб, бу борада давлат дастури қабул қилинди. 27 январь ҳамда 10 февраль кунлари бўлиб ўтган йиғилишларда жорий йилги муҳим вазифалар яна бир бор қайд этилиб, масъуллар белгиланган эди.

Йиғилишда ушбу вазифалар ижросининг бориши, вазирлар, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, олий таълим муассасалари ректорлари ёшларга оид ишларни қандай ташкил этгани кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз бўйича 648 минг нафар ишсиз "ёшлар дафтари"га киритилган бўлса, биринчи чоракда шундан 283 мингининг бандлиги таъминланган. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида 36 мингта қўшимча тўгарак ташкил этилиб, 874 мингга яқин ўғил-қизлар жалб этилган. Беш муҳим ташаббус доирасида таълим муассасалари, кутубхона ва ўқув марказларига 97 мингта санъат ва спорт инвентари, компьютерлар, 562 мингта бадиий китоб етказиб берилган.

Лекин айрим ҳудуд ва соҳаларда ёшлар масалаларига эътибор ҳали ҳам талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Мисол учун Андижон вилоятида биринчи чоракда атиги 5 мингга яқин ёшлар доимий ишга жойлаштирилган. Аммо айни пайтда ҳудуддаги саноат корхоналари ва кластерларда 7 мингта доимий вакант иш ўрни мавжуд.

Ишсиз ёшларни касб ва тадбиркорликка ўқитиш, маблағ билан таъминлашда ҳам камчиликларга йўл қўйилмоқда. Хусусан, "1+1" дастури доирасида 100 минг нафар ёшни ўқитиб, кейин уларга имтиёзли кредит ажратиш белгиланган бўлса-да, Савдо-саноат палатасининг қуйи тузилмалари бу ишларни тизимли ташкил эта олмаяпти.

Мисол учун уч ойда республика бўйича 21 минг нафар ёш тадбиркорликка ўқитилган. Тошкент шаҳрида атиги мингта, Наманганда эса 1 100 та сертификат берилган. Бухорода эса, бор-йўғи, 216 нафар йигит-қиз касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилган.

Бундан ташқари, ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш Сурхондарё вилоятида 30 фоизни ташкил этиб, бу республикадаги энг паст кўрсаткич. Худди шу каби Хўжайлида атиги 16 нафар, Фурқатда 27 нафар, Улуғнорда 78 нафар, Ангорда 82 нафар ишсиз ёшлар "1+1" лойиҳаси билан қамраб олинган.

Йиғилишда бундай ўзибўларчилик ҳолатлари қаттиқ танқид қилинди. Ёшлар билан ишлашни лозим даражада ташкил этмагани учун Сурхондарё вилояти ҳокимининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари, Фурқат ва Улуғнор туманлари ҳокимлари, Шофиркон, Қамаши, Хива, Чуст, Хўжайли ва Ангор туманларидаги айрим сектор раҳбарлари лавозимидан озод этиладиган бўлди. Яна қатор мутасаддилар қатъий огоҳлантирилиб, вазиятни ўнглаши учун муҳлат берилди.

**— Ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларга муносиб даромад олиши учун шароит яратиб бериш энг муҳим вазифа ҳисобланади, — деди Президент. — Яна бир бор такрорлайман, бу борадаги энг катта имконият ва захирамиз, бу — тадбиркорлик, айниқса, кичик ва ўрта бизнесдир.**

Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасидаги имкониятларни янада кенгайтириш ва бандлигини таъминлаш бўйича янги механизм жорий этиш вазифаси қўйилди. Бу тизимда халққа ҳам, ташкилотларга ҳам маъқул бўладиган бир қанча имтиёзлар белгиланади.

Жумладан, шу йил 1 майдан бошлаб, агар корхона ва компаниялар ёшларни ишга қабул қилса, корхоналарга ушбу ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ қайтариб берилади.

Биринчи марта ишга кирган касб-ҳунар марказлари битирувчилари 6 ойгача даромад солиғини тўлашдан озод этилади.

"Ёшлар дафтари"га кирган 5 нафардан ортиқ ишсизлар бандлигини таъминлаган тадбиркорларга давлат мулки ижараси учун 50 фоизгача имтиёз берилади. Шу билан бирга, ходимлари сонининг камида 70 фоизи "ёшлар дафтари"га кирган ёш тадбиркорларга давлат мулки аукционсиз берилади ва улардан 5 йил давомида ижара ҳақи ундирилмайди.

Ёшларга тадбиркорлик фаолиятига керакли асбоб-ускуналарни харид қилиш учун 10 миллион сўмгача субсидия ажратилади. Шунингдек, ижарага бино олиб, ўз бизнесини бошлаётган йигит-қизларга бир йиллик ижара суммасининг 30 фоизигача қисми қопланади.

1 июндан бошлаб, "ёшлар дафтари"га киритилган навқирон авлод вакиллари ва Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш, бир ойлик ҳарбий хизматни ўташ харажатлари бюджетдан тўлаб берилади.

Бундан ташқари, ёшларнинг профессионал таълим мактаблари, техникумларда ўқиши учун тўланадиган контракт суммаси даромад солиғидан озод қилинади.

Қишлоқдаги ёшларга ажратилган ерларни ўзлаштириши, агротехник тадбирларни рисоладагидек ўтказиши, қисқача айтганда, уларни ердан даромад олишга ўргатиш — муҳим масалалардан бири.

Бугунги кунда республика бўйича 21 та туманда 2 мингдан 4,5 минг нафаргача ёшга деҳқончилик учун ер ажратилган.

Давлатимиз раҳбари фермер, кластер ҳамда сектор раҳбарлари "Устоз — шогирд" тизими асосида ушбу ёшларнинг ердан даромад олишига амалий ёрдам кўрсатиши зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда ҳар бир маҳалла ва хонадонни сифатли тиббий хизматлар билан қамраб олиш учун малакали ўрта бўғин тиббиёт ходимларини кўпайтириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Шу боис жорий йилда қўшимча 20 минггача ўрта тиббиёт ва ижтимоий ходимлар штатини ташкил этиш ҳисобига минглаб ёшлар учун янги иш ўринлари яратилади.

Президентимиз ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга эътиборни янада кучайтириш бўйича мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Республика бўйича мавжуд 215 та "Баркамол авлод" болалар мактаби имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланилмаяпти. Ушбу мактаблар бугунги кунда бор-йўғи 175 минг нафар (3 фоиз) ўғил-қизни қамраб олган.

Давлатимиз раҳбари вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўн кун муддатда "Баркамол авлод" болалар мактабларида замонавий тўгараклар очиш ва ҳар бир мактабда уларнинг тармоқ филиалларини ташкил этиш орқали қамровни камида 3 — 5 бараварга ошириш юзасидан режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича топшириқ берди.

Видеоселекторда ОТМларнинг ён-атрофидаги маҳалла ёшлари билан ишлашда ректорларнинг ўрни умуман сезилмаётгани танқид қилинди.

Ректорларнинг бирортаси ўз ҳудудида маҳаллагача тушиб, навқирон авлод тарбияси, уюшмаган ёшлар билан ишлаш бўйича ташаббус билдирмагани айтиб ўтилди.

**— Қайси ректор ётоқхонага бориб ёки бўш ётган маданият марказларида ёшлар билан учрашди, улар билан мулоқотни йўлга қўйди? Мотивация бериш, ҳаётда ўз йўлини топишга кўмаклашиш нуқтаи назаридан маданий тадбирларни ташкил этди? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб йўқ, — деди давлат раҳбари.**

Ёшлар билан ишлашни ўз ҳолига ташлаб қўйгани учун бир қатор олий таълим муассасалари раҳбарлари лавозимидан озод этилди.

Йиғилишда олий ўқув даргоҳлари, коллежлар ва техникумларда ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилиши қайд этилди. Унга мувофиқ, ҳар бир олийгоҳ ён-атрофидаги камида 5 — 10 тадан шаҳар маҳалласи учун маънавият маркази ва маданият ўчоғига айланади. Яъни олий ўқув юртлари атрофидаги маҳаллалардаги уюшмаган ёшларни хорижий тиллар, компьютер саводхонлиги, спорт, маданият ва китобхонлик тўгаракларига жалб этади, уларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришга кўмаклашади. Шунингдек, ўзларига бириктирилган маҳалладаги "ёшлар дафтари"даги йигит-қизлар учун ОТМларга кириш бўйича бепул тайёрлов курсларини ташкил этади. Бундан ташқари, юқори курсларда ўқийдиган 2 нафар намунали талаба 1 нафар уюшмаган ёшнинг ижтимоий фаоллигини оширишга ёрдамлашади.

**— Шу тизим йўлга қўйилса, шаҳарларда вазият албатта ўзгаради, адашган ёшлар сони кескин камаяди, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Янги тизим қишлоқ жойларидаги коллеж ва техникумларда ҳам йўлга қўйилади.

Йиғилишда бугунги кунда 130 мингдан зиёд талабалар ижарада яшаётгани таъкидланди. Уларга енгиллик яратиш мақсадида ҳукумат томонидан алоҳида дастур тайёрланмоқда. Унга кўра бундай ёшларга 1 майдан бошлаб ижара тўловининг ярми давлат томонидан қоплаб берилади. Дастлабки босқичда ушбу тизим орқали 60 минг нафар ёш қамраб олинади. Шу билан бирга, эҳтиёжманд талабаларга ушбу харажатлар ҳокимликлар ва олийгоҳлар маблағи ҳисобидан ҳам қоплаб берилади.

Президентимиз йиғилишда ҳар бир ҳоким ва сектор раҳбари уюшмаган ёшларни тарбиялаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш бўйича ўз ҳудуди тажрибасини яратиши зарурлигини таъкидлади.

Унга кўра ҳар бир вилоятда биттадан энг оғир туман ва маҳалла танлаб олиниб, у ерда уюшмаган ёшлар билан ишлаш бўйича "намунавий тажриба" яратилади. Ушбу маҳаллаларда ёшлар билан боғлиқ бирорта муаммо қолмаслиги кераклиги қайд этилди.

Шу билан бирга, ҳарбий округлар, ҳарбий қисмлар, вилоят ва туман мудофаа бўлимларининг уюшмаган ёшлар билан ишлаши бўйича "Жиззах тажрибаси" барча ҳудудда кенг жорий қилинади. Бунда мудофаа вазири ўринбосарлари уюшмаган ёшлар билан ишлаш аҳволи энг оғир 5 тадан туманга, округ қўмондонлари ҳудудидаги 10 тадан маҳаллага, вилоят ва туман мудофаа бўлимлари бошлиқлари ва ҳарбий қисм командирлари 5 тадан маҳалладаги ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга масъул бўлади. Умуман олганда, ушбу тизим орқали жорий йилда 100 минг нафар уюшмаган ёш қамраб олинади.

Бундан ташқари, "Ватан тақдири — менинг тақдиримда" мавзуида республика бўйича семинар-тренинглар ташкил этилиб, бу орқали 2 миллиондан ортиқ ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги оширилади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботи эшитилди.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## КАПИТАЛ БОЗОРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Капитал бозорини янада ривожлантириш, қимматли қоғозлар чиқарилишини кўпайтириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг фонд бозоридаги иштирокини кенгайтириш мақсадида:

1. **Капитал бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

капитал бозорининг рақобатбардошлигини ошириш ва унинг капиталлашувини 2023 йил якунига қадар **45 триллион сўмга** етказиш, банк томонидан кредитлашга муқобил бўлган самарали молиялаштириш механизмини яратиш;

халқаро молия бозорлари билан фаол интеграциялашув, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ва хорижда муваффақиятли синовдан ўтган илғор ёндашувларни қўллаш орқали барча тоифадаги инвесторлар учун **капитал бозорининг қулайлигини ошириш**;

капитал бозорининг уйғун фаолияти ва унинг барча сегментлари ривожланишини таъминлаш орқали 2023 йил якунига қадар республика ва ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида лойиҳаларнинг қимматли қоғозлар чиқариш орқали молиялаштирилган қисмини **5 фоизга** етказиш;

**(Давоми 2-бетда).**

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## КАПИТАЛ БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва корпоратив бошқарув соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги "Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6207-сон Фармони ва 2021 йил 3 апрелдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида"ги ПҚ-5053-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

1. **2021 йил 1 майдан** бошлаб:

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тугатилсин;

тугатилаётган Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг қимматли қоғозлар бозорини, шу жумладан, қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини тартибга солиш, шунингдек, корпоратив бошқарувни ривожлантириш ҳамда лотереяларни ташкил этиш фаолияти бўйича вазифа, функция ва ваколатлари Молия вазирлигига ўтказилсин.

**(Давоми 2-бетда).**

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги ПФ–6155-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, Давлат бюджетининг шаклланиши ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига аҳолини фаол жалб этиш ҳамда жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг:

2021 йил май ойидан бошлаб иловага мувофиқ туман (шаҳар)ларда, 2022 йил 1 январдан эътиборан республиканинг барча туман (шаҳар)ларида тегишли бюджетларнинг тасдиқланган умумий харажатларининг **5 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш** бўйича янги тартибни босқичма-босқич жорий этиш;

**(Давоми 2-бетда).**

---

**Муносабат**

## НАВҚИРОН АВЛОДНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

*Кеча Президентимиз раислигида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, ушбу йўналишдаги муаммолар таҳлил қилиниши билан бирга, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.*

*Шулар хусусида тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари ўз фикрларини билдирди.*

**Нозим ҲУСАНОВ,**
**бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири:**

— Бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан бири, бу — жойлардаги уюшмаган ёшларнинг бандлигини таъминлаш. Йиғилишда ушбу муҳим йўналишлар юзасидан бир қатор топшириқлар берилди.

Ҳудудлардаги "ёшлар дафтари"га ҳозирги кунга қадар 672 минг нафар йигит-қиз киритилган. Улар орасидан 204 минг нафари айнан бандлик масаласида мурожаат қилган. Вазирлигимиз томонидан бу ёшларнинг вилоят, туман ва маҳалла кесимидаги номма-ном рўйхати шакллантирилган. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида уларнинг 72 минг нафари иш билан таъминланди.

Йиғилишда ёшларни ишли қилиш йўлида янги механизмларни жорий этиш, ижтимоий субсиядилар ажратиш хусусида сўз борди. Улардан бири "ёшлар дафтари"га киритилган олий маълумотли эртамиз эгаларини ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига ижтимоий солиқлардан эркинлик берилиши кўзда тутилмоқда. Ёки олий таълим муассасаларининг битирувчи босқичида таҳсил олаётган ёшларни ишлаб чиқариш амалиётига қабул қилиб олган корхоналарга ҳам меҳнат ҳақи бўйича субсидиялар жорий этилиши мўлжалланмоқда.

➡ 2

---

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## Барқарор ривожланиш мақсадлари: МАСЪУЛИЯТ ВА САМАРАДОРЛИК

*Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан эшитув ўтказилди.*

Унда қатор вазирлик ҳамда идораларнинг "БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган устувор вазифаларни бажариш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ахборотлари эшитилди.

Қайд этилганидек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги вазифаларнинг бажарилиши бўйича 17 та миллий мақсад белгиланган. Улар ижроси юзасидан юртимизда тизимли ишлар амалга оширилияпти. Хусусан, саҳроланишга қарши кураш, емирилган ерлар ва тупроқларни, жумладан, саҳроланиш, қурғоқчилик ҳамда сув тошқинига учраган ерларни тиклаш ва ерлар емирилишининг нейтрал балансига эришиш борасида 2020 йилда 101,8 минг гектар ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилган. Шунингдек, жорий йилнинг биринчи чорагида республика бўйича жами 95,6 минг гектар майдон қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун киритилган.

Бундан ташқари, республика бўйича 640 км. суғориш тармоқларини қуриш, 114 км. коллектор тизимини таъмирлаш, 884 та суғориш қудуғини қазиш, 90 та насос агрегатини ўрнатиш ҳамда 1 минг 532 км. электр узатиш тармоқлари тортиш ишлари амалга оширилган.

Ер усти ва ички чучук сувли экотизимлар, жумладан, ўрмонлар, сувли-ботқоқли ҳудудлар, тоғлар ҳамда қурғоқчил ерларни сақлаш, тиклаш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида сўнгги уч йилда минглаб гектарларда янги ўрмонзорлар барпо этилган.

➡ 3

---

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЖОЗИБАСИ

**ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ХАЛҚАРО ИНШОЛАР ТАНЛОВИДА ЯНА БИР БОР НАМОЁН БЎЛМОҚДА**



*Ўзбекистон Республикаси Мирзо Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон талабалар ассоциацияси жамоат бирлашмаси Самарқанд давлат университети билан ҳамкорликда "Европа ва Осиёнинг Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатлари хаби" мавзуида ўзбек, инглиз ва рус тилларида халқаро иншолар танловини ўтказмоқда.*

*Буюк Ипак йўлида жойлашган университетлар талабалари мазкур танлов ва унинг аҳамияти, халқлар ҳамда маданиятлар интеграциясини таъминлаган Ипак йўлининг тарихи ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.*

4-саҳифага қаранг. ➡



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# КАПИТАЛ БОЗОРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

соҳага илғор халқаро амалиётни жорий қилиш, ортиқча тўсиқлар ва чекловларни бартараф этиш орқали фонд бозорида ривожланиш мақсадларига йўналтирилган инвестицияларни фаол молиялаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

халқаро мезонлар ва тажрибаларни жорий қилган ҳолда, капитал бозорини тартибга солишнинг яхлитлигини ва тизимли таваккалчиликларнинг олдини олишни таъминловчи қонунчилик базасини яратиш;

капитал бозорини замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, истиқболли, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб қилиш учун жозибадор шарт-шароитларни яратиш;

капитал бозори учун соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни тизимли йўлга қўйиш;

миноритар инвесторлар, капитал бозорининг бошқа иштирокчилари ҳамда аҳоли кенг қатламларининг билимлари, кўникмалари ва молиявий саводхонлигини оширишни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида 2023 йил якунига қадар **40 минг нафар** аҳолини қамраб олиш.

2. Қуйидагилар:

**2021 — 2023 йилларда капитал бозорини ривожлантириш дастури** (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ;

**2021 — 2023 йилларда капитал бозорини ривожлантириш дастурини амалга ошириш натижасида эришиладиган мақсадли кўрсаткичлар** 2-иловага мувофиқ;

**2021-2022 йилларда капитал бозорини ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"** 3-иловага мувофиқ;

**2021 — 2023 йилларда акциялари фонд биржаси орқали оммавий жойлаштирилиши белгиланган корхоналар рўйхати** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

эркин муомаладаги қимматли қоғозларнинг умумий ҳажмини ялпи ички маҳсулотнинг камида **5 фоизига** етказиш Дастурнинг асосий мақсади ҳисобланади;

**2023 йил 1 январдан бошлаб** маҳаллий эмитентлар ўз акцияларини дастлаб республика фонд биржасида жойлаштиргандан сўнг андеррайтер тавсиясига кўра **хорижий фонд бозорларида жойлаштириши** мумкин; оммавий савдолар орқали акцияларни **IPO ёки SPO усулида жойлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайди**.

4. Устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятлари **акцияларининг бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) оммавий таклифини** қуйидаги шартларда ўтказиш белгилансин:

IPO ёки SPO йўли билан сотиладиган акцияларни харид қилиш учун аризаларни тўплаш ушбу IPO ёки SPOни ўтказиш шартномаси тузилган **андеррайтер ёки андеррайтерлар гуруҳи** томонидангина амалга оширилади;

андеррайтер акциядорлик жамиятини дастлабки ўрганиш натижалари асосида акциялар хариди бўйича **аризаларни тўплаш учун нарх чегараларини** белгилайди;

IPO ва SPO йўли билан акцияларни тақсимлаш акцияларга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, андеррайтер томонидан аниқланадиган **ягона нарх** асосида амалга оширилади;

андеррайтерга акциядорлик жамияти билан тузилган шартнома асосида акциялар тақсимланадиган инвесторларни танлаш, шунингдек, инвесторларга IPO ва SPO доирасида харид қилинган акцияларни сотиш тақиқланадиган муддатни белгилаш ҳуқуқи берилади.

5. Марказий банк **2021 йил 1 ноябрга** қадар "Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси" ДК ҳисоб рақамлари Марказий банкка ўтказилишини таъминласин.

6. Молия вазирлиги, Марказий банк, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг **"Молия ва инвестиция саводхонлиги" дастурини** қуйидаги тамойиллар асосида амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлигини ошириш, уларни молиявий хизматлар ва маҳсулотлар, жумладан, капитал бозори ҳамда молиявий инструментлар ҳақида хабардор қилиш билан боғлиқ ташаббусларни ҳамжиҳатликда амалга оширган ҳолда мутасадди ташкилотлар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш;

илғор хорижий ўқув муассасалари ва тадқиқот институтлари, молия ташкилотларидан етакчи мутахассисларни молиявий саводхонлик даражасини оширишга оид таълим тадбирларига кенг жалб қилиш;

умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда ноиқтисодий йўналишдаги олий таълим ташкилотлари талабалари учун **"Молиявий саводхонлик"** ўқув курсини фан сифатида жорий этиш. Ушбу фан доирасида маблағларни тўғри бошқариш, оқилона молиявий қарорлар қабул қилиш, жумладан, молиявий инструментлар бўйича ўқитиш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда **"Молиявий саводхонлик олимпиадалари"**ни ташкил этиш орқали ўқув курсининг самарадорлигини баҳолаш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий, шу жумладан, инвестиция бўйича саводхонлигини ошириш борасидаги барча тадбирларни **2021 — 2023 йилларга мўлжалланган Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий стратегияси** доирасида амалга ошириш.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Молия вазирлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 5-иловага мувофиқ 2021 йил 1 майдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Молия вазирлиги **икки ой муддатда** манфаатдор идоралар билан биргаликда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

10. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А.Ишметов белгилансин.

Бош вазир ўринбосари Ж.А.Кўчқоров:

**икки ҳафта муддатда** Дастурнинг асосий йўналишлари бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралар масъул ходимлари ҳамда хорижий экспертлардан иборат ишчи гуруҳлари шакллантирилишини ва уларнинг фаолиятини самарали ташкил этилишини;

**икки ой муддатда** акциялари фонд биржаси орқали оммавий жойлаштирилиши мазкур Фармонга 4-иловада белгиланган ҳар бир корхона бўйича алоҳида "Йўл харита"лари тасдиқланишини таъминласин.

Фармоннинг ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 13 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# КАПИТАЛ БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Молия вазирлигига **капитал бозорини ривожлантириш соҳасида қуйидаги вазифалар** юклатилсин:

қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, тартибга солиш, назорат қилиш ва корпоратив бошқарув соҳасида **ягона давлат сиёсатини амалга ошириш**;

қимматли қоғозлар амалиёти билан шуғулланувчи инвесторлар ҳамда қимматли қоғозлар эгаларининг **ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш**;

**қимматли қоғозлар бозори, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш** тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини назорат қилиш;

маҳаллий капитал бозорининг ривожланиш ҳолати ва унинг профессионал қатнашчилари тўғрисида **инвесторлар ва жамоатчиликни хабардор қилиш**;

қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари ва қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал иштирокчиларнинг фаолиятини, шунингдек, букмекерлик ва лотереяларни ташкил этиш **фаолиятини тартибга солиш**;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, профессионал иштирокчиларнинг мутахассисларини аттестациядан ўтказиш ва малака гувоҳномаларини бериш;

қимматли қоғозларни чиқариш ва рўйхатдан ўтказиш, улар юзасидан ҳисобот бериш ҳамда қимматли қоғозлар эгаларининг реестрларини ва қимматли қоғозларга доир битимларни ҳисобга олиш реестрини юритиш талабларини белгилаш;

ўз маблағлари етарли даражада бўлишига доир мажбурий нормативларни ва қимматли қоғозларга доир операциялар бўйича таваккалчиликларни чекловчи кўрсаткичларни ўрнатиш;

қимматли қоғозлар бозорининг ҳолати ва унинг иштирокчилари ҳақида, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган маълумотлар ошкоралигини таъминлаш орқали жамоатчиликни хабардор қилиш;

капитал бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш масалалари бўйича хорижий ва халқаро институтлар билан самарали ҳамкорлик қилиш.

3. Тугатилаётган Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг жами **110 нафар** штат бирлиги (шундан, 90 нафар бошқарув ходими) ҳисобидан Молия вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида бошқарув ходимлари чекланган сони **54 нафар**дан (шундан, **16 нафар** ҳудудларда фаолият кўрсатувчи марказий аппарат ходимлари) иборат **Капитал бозорини ривожлантириш департаменти** ташкил этилсин.

4. Белгилансинки:

Капитал бозорини ривожлантириш департаментининг ўз фаолиятини **бевосита ҳудудларда олиб борадиган ходимлари** меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича Молия вазирлиги марказий аппарати ходимларига тенглаштирилади ва ушбу ходимларнинг ҳудудлардаги фаолияти билан боғлиқ харажатлар Молия вазирлиги томонидан молиялаштирилади;

Молия вазирлиги Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан аввал берилган ҳужжатлар ва илгари қабул қилинган қарорлар ўз кучини сақлаб қолади ва ушбу органни тугатиш муносабати билан уларни **бекор қилиш ёки ўзгартириш талаб этилмайди**;

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларида **кўриб чиқиш жараёнида бўлган ҳужжатлар** (тегишли фаолиятни лицензиялаш, қимматли қоғозлар чиқаришни рўйхатга олиш, мурожаатлар ва бошқа ҳужжатлар) **2021 йил 1 майдан бошлаб Молия вазирлигига ўтказилади** ва кўриб чиқиш натижалари Молия вазирлиги томонидан расмийлаштирилади;

Капитал бозорини ривожлантириш департаменти штатлари биринчи навбатда тугатилаётган Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тизими ходимлари ҳисобидан бутланади.

5. **2021 йил 1 майдан** бошлаб қуйидаги маблағлар **Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига** йўналтирилсин:

фонд биржасида қимматли қоғозлар савдосини амалга оширишда сотувчи томонидан тўланадиган йиғим;

эмиссиявий қимматли қоғозларнинг дастлабки чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган йиғим;

эмиссиявий қимматли қоғозларни йириклаштириш жараёнида уларнинг номинал қиймати оширилганда эмитент томонидан тўланадиган йиғим;

қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш ва (ёки) аввал рўйхатдан ўтган қимматли қоғозларнинг чиқарилишига ўзгартиришлар бўйича ҳужжатлар кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган йиғим;

лотереяларни ташкил этиш фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ йиғимлар;

қимматли қоғозлар бозорида операцияларни ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака аттестатини олишга талабгорларни (жисмоний шахсларни) аттестациядан (қайта аттестациядан) ўтказиш учун ундириладиган йиғим;

қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари ва қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал иштирокчиларнинг фаолиятини амалга ошириши учун лицензия олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш учун ундириладиган йиғим;

белгиланган тартибда Молия вазирлиги томонидан ундириладиган бошқа йиғимлар.

6. Бош вазир ўринбосари Ж.А.Кўчқоров, Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) 2021 йил 1 майга қадар:

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Капитал бозорини ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасининг ҳамда ривожлантириш жамғармасининг қолдиқ маблағлари Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилишини;

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги мол-мулкининг Молия вазирлигига топширилишини таъминласин.

7. Молия вазирлигининг Капитал бозорини ривожлантириш департаменти Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй манзилига жойлаштирилсин ва ушбу бино биринчи қаватининг чап қаноти ва тегишли ертўла қисми Молия вазирлигига оператив фойдаланиш ҳуқуқи асосида бириктирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Молия вазирлиги Капитал бозорини ривожлантириш департаментининг ҳудудий шуъбалари ходимлари Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳудудий бошқармаларининг ҳозирги жойлашуви бўйича биноларда (хоналарда) жойлаштирилишини таъминласин.

8. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартишлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 13 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2021 йил 1 июлдан бошлаб жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ажратиладиган **туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча маблағларининг энг кам миқдорини 10 фоиздан 30 фоизга ошириш** ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Молия вазирлиги **бир ҳафта муддатда** мазкур қарор иловасига мувофиқ танлаб олинган туман (шаҳар)лар бюджетларига қўшимча равишда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан **92,7 миллиард сўм маблағ** ажратилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган босқичларни инобатга олган ҳолда туман (шаҳар) бюджетлари тасдиқланган харажатларининг **5 фоизига тенг миқдордаги маблағлар** жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади;

жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган маблағлар туман (шаҳар) ҳокимликларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклида очиладиган **"Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"** шахсий ғазна ҳисобварағида жамланади ва ушбу маблағларнинг **бошқа мақсадларга ишлатилиши қатъиян тақиқланади**.

4. Вазирлар Маҳкамаси **бир ҳафта муддатда** Олий Мажлис Сенатига туман (шаҳар)лар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги **намунавий низомни** тасдиқлаш учун киритсин.

Ушбу намунавий низом асосида туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари **икки ҳафта муддатда**:

ҳар бир туман ва шаҳарнинг **алоҳида хусусиятидан келиб чиқиб**, туман (шаҳар)лар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартибини назарда тутувчи қарор лойиҳасини;

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг масъул ходимларидан иборат **Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссия** таркибини тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига тасдиқлаш учун киритсин.

5. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай ўзларининг **расмий веб-сайтларига** ва **"Очиқ бюджет" порталига** жойлаштирсин.

Туман ва шаҳарлар ҳокимларига жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга **бюджет маблағларининг ўз вақтида ажратилиши** ва уларнинг амалга оширилиши жараёнини ёритиб бориш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Молия вазирлигига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

жамоатчилик фикри асосида амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган **маблағларни шакллантириш тартибини такомиллаштириш**;

жамоатчилик фикри асосида амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган маблағларнинг шакллантирилиши ва сарфланиши юзасидан **ўқув-семинар ва тренинглар ташкил этиш**, мазкур жараённинг моҳиятини акс эттирувчи **ўқув материалларини тайёрлаш**;

жамоатчилик фикри асосида молиялаштириладиган тадбирларга йўналтириладиган маблағларнинг шаклланиш ва сарфланиш жараёнлари **мониторингини юритиш**;

"Очиқ бюджет" порталида жамоатчилик томонидан таклиф қолдириш ва овоз бериш жараёнини **услубий, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда бошқариш**.

7. Молия вазирлиги:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2021 йил 1 ноябрга қадар** халқаро экспертларни жалб этган ҳолда **фуқаролар иштирокидаги ташаббусли бюджетлаштиришни такомиллаштириш** бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда жойларда аҳоли ўртасида **ташаббусли бюджетлаштиришни амалга ошириш механизмини, унинг моҳиятини** кенг ёритиш мақсадида методик ҳамда ўқув материаллари тайёрланиши ва тарқатилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Кўчқоров, молия вазири Т.А.Ишметов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 13 апрель

# НАВҚИРОН АВЛОДНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

1

**Озодбек НАЗАРБЕКОВ, маданият вазири:**

— Видеоселектор йиғилишида инқилобий қарорлар қабул қилинди, десак, муболаға бўлмайди. Айниқса, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш, ҳатто ҳар бир ёшнинг тақдири билан қизиқиб бориш белгиланди.

Берилган топшириқларнинг ҳаммаси асоси билан, маблағи билан, аниқ ечимлари кўрсатилган ҳолда белгилаб берилди. Эртанги фаровон ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучлари бугунги ёшларимиз эканлигини чуқур англаб, мана шу эътиқод билан яшашимиз лозимлиги уқтирилди.

Олдимизга қўйилган вазифаларни масъулият билан бажариш бўйича барча идора ва ташкилот раҳбарлари тегишли хулосалар чиқаришди, деб ўйлайман.

**Хайрулло БОЗОРОВ, Фарғона вилояти ҳокими:**

— Ёшлар масаласидаги муаммоларни ечиш учун жуда катта имтиёзлар беріляпти. Бугунги кунда "ёшлар дафтари"га киритилган навқирон авлод вакилларини иш берувчилар томонидан маълум бир касбга ўргатиш юзасидан касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитиш борасида тўланадиган шартнома суммалари фойда солиғидан чегириб ташланадиган бўлди.

Агар вилоятимизда касб-ҳунарга ўқитилиши лозим бўлган 10 мингдан ортиқ ёшлар тўлов контрактларининг фойда солиғидан чегирмасини ҳисоблайдиган бўлсак, қарийб 5 млрд. сўм маблағ корхоналар ихтиёрида қолаётганини кўрамиз.

Бугунги кунда тақдим этилаётган имтиёзлар, айниқса, Фарғона вилояти учун муҳим, деб ҳисоблайман. Марғилон тажрибаси асосида 13 та туманимизда ҳунармандчилик марказлари ташкил қиляпмиз. Шу билан бирга, 4000 га яқин хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш назарда тутилган.

Бугунги танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, жойларда қоғоз ва ҳисоботлар билан эмас, ҳақиқий ҳолатда ёшларимизни иш билан таъминлаш бўйича ҳар бир раҳбарнинг масъулиятини ошириш лозимлиги қайд этилди.

**Ботир ЗАРИПОВ, Бухоро вилояти ҳокими:**

— Вилоятимиз аҳолисининг қарийб 55 фоизини ёшлар ташкил қилади. Уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, иш билан таъминлаш, уларга ер майдонлари ажратиш, ишсизларни тадбиркорларга, ҳунармандларга бириктириш орқали банд қилиш бўйича аниқ топшириқлар олдик.

Хатловлар натижасига кўра айтишим мумкинки, бугунги кунда 71 минг ёш билан манзилли ишлашимиз керак. Айни пайтда беш ташаббус доирасида ёшларни спортга жалб қилиш, китобхонликни ривожлантириш, касб-ҳунарга ўқитиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Бугунги видеоселектор йиғилишида нафақат Ёшлар ишлари агентлиги, унинг бўлимлари, балки сектор раҳбарлари ва кенг жамоатчилик кундалик вазифаларидан бири этиб, йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ўқиши, билим олиши, ҳунар эгаллаши ва тадбиркор бўлиши учун барча шарт-шароитни яратиб беришга оид ишларни жадаллаштириш бўйича ҳам аниқ вазифаларни белгилаб олдик.

**Ҳасан МАМАСАИДОВ, тадбиркор:**

— Тадбиркорликка, илмга эътибор қаратилаётганидан мамнунман, ҳавас қилдим. Юртбошимиздан ибрат оладиган жойимиз бу — шижоат, масъулият. Биз, тадбиркорлик субъектлари ҳам, кенг жамоатчилик вакиллари ҳам шижоатни тўхтатишимиз керак эмас.

Нафақат Тошкентда, балки чекка-чекка туманларда ҳам жадаллаштиришимиз керак, деган талқинни кўрдим. Бугунги йиғилишнинг асосий мақсади ёшларнинг вақтини мазмунли ўтказиш, бандлигини таъминлаш масалаларини жуда чуқур таҳлил қилиб, муаммоларни айтдилар.

Тадбиркор сифатида бундан руҳландик. Чунки тадбиркорлар қанча кўп бўлса, жамият ривожига шунча фойдали.

**«Халқ сўзи».**

### Сенаторлар — ҳудудларда

## МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИ ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРМОҚДА?

*Фарғона вилоятидаги мавжуд 1 041 та маҳалла фуқаролар йиғинида маҳаллабай ишлаш тизими жорий этилиб, "ўсиш нуқталари" аниқланяпти ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқиляпти. Ушбу жараёнларнинг бориши Олий Мажлис Сенати ишчи гуруҳи томонидан секторлар кесимида ўрганилмоқда.*

Дастлаб ишчи гуруҳ аъзолари Қўштепа, Бешариқ, Тошлоқ туманларида маҳаллабай иш ташкил этиш борасидаги мавжуд ҳолат, аҳоли муаммолари билан яқиндан танишди.

Бешариқ туманининг "Файзиобод" маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган "Sherwood Desion" корхонасида "аёллар дафтари"га киритилган 76 нафар хотин-қизнинг 35 нафари иш бошлади.

— Маҳаллабай тизими асосида хонадонма-хонадон юриб муаммолар ўрганилганида, ишчи гуруҳ аъзоларига ишсиз эканлигимни айтгандим, — дейди ушбу маҳаллада яшовчи Маҳлиё Холматова. — Шу тариқа "аёллар дафтари"га киритилдим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай "Sherwood Desion" корхонасига тикувчи бўлиб ишга жойлашдим. Оиламиз доимий даромад манбаига эга бўлганидан беҳад мамнунман.

## ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНАДИ

*Навоий шаҳрида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда шу йил 8 апрель куни давлатимиз раҳбари раислигида тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда жорий йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси бўйича устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги топшириқлар ижроси юзасидан вилоят ҳокими К. Турсуновнинг ҳисоботи тингланди.*

Таъкидланганидек, давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларни бажариш орқали вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мумкин. Бу эса шу жараёнда қатнашадиган ҳар бир раҳбардан катта масъулият талаб этади.

Сессияда Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси Э. Гадоев мамлакатимиз раҳбари томонидан 2021 йил 24 мартдаги "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари ҳамда ҳудудларда паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформаторларни янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижросини ташкил этиш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар ҳузурида тузилган "халқпарвар" комиссиялар мазмун-моҳияти бўйича маъруза қилди.

Сессияда депутатлар, шунингдек, "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" Давлат дастурининг вилоятдаги ижроси ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича мутасаддилар ҳисоботлари тингланди.

## «ХАЛҚПАРВАР» КОМИССИЯ ХАЛҚ ОЛДИДА ҲИСОБДОР

*Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2021 йил 15 мартдаги қарорига мувофиқ, уй-жой қурилиши ҳамда ипотека бозорини ривожлантиришга доир устувор вазифалар амалга оширилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда "халқпарвар" комиссия фаолиятини ташкил этиш бўйича Шуманай туманига бириктирилган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати З. Реймова халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари билан учрашди.*

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2021 йил 11 март куни "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Унга мувофиқ ижтимоий ҳамкорликни янада кучайтириш, компенсация, субсидиялар ва давлат томонидан тақдим қилинадиган бошқа имтиёзларни адолатли тақсимлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш мақсадида ҳудудларда сенаторлар, депутатлар ва жамоат фаоллари иштирокида "халқпарвар" комиссиялар ташкил этилди.

Ушбу комиссиялар маҳаллий ҳокимликлар ва масъул давлат идоралари уй-жойлар қуриш учун ер участкаларини ажратиш, қурилиш ишларини ўз вақтида ҳамда сифатли амалга ошириш, субсидия тўланадиган фуқароларни танлаб олиш, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқаролар рўйхатини шакллантириш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади. Шу билан бирга, соҳада бюрократия, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларнинг олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни кўради.

**«Халқ сўзи».**



Барқарор ривожланиш мақсадлари:

## МАСЪУЛИЯТ ВА САМАРАДОРЛИК

1

Тадбирда депутатлар ўрмон фонди ерларида доривор ўсимликларни табиатдан теришни камайтириш мақсадида соҳада олиб борилаётган ишлар билан қизиқди.

Масъул вазирлик берган ахборотга кўра, 2020 йилда 4 минг 300 гектар ва 2021 йилнинг биринчи чорагида 3 минг 174 гектар майдонда доривор ҳамда озиқ-овқатбоп ўсимликларнинг маданий плантациялари ташкил этилган. 2020 йилда жами 5 минг 800 тонна доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликлар хом ашёси тайёрланган. Шунингдек, қишлоқ хўжалигига қарашли суғориладиган ерларда шамол эрозиясига ҳамда сув хўжалиги объектларини қум босишига қарши ўрмон хўжаликлари томонидан шартнома асосида 2020 йилда 2 минг гектарда, 2021 йилнинг биринчи чорагида 1,2 минг гектар майдонда янги иҳота дарахтзорлари барпо этилган.

Ҳайвонларнинг табиий яшаш муҳити емирилишини чекловчи чораларни кўриш, йўқолиб кетиш хавфи остида турган биологик турларнинг сонини камайтириш борасида 1 минг гектар яйловга ишлов берилган, қудуқлар қазилиб, улар суғоришга тайёрланган, яйловбоп экинлар жамғарилган, яйловларга ишлов берувчи субъектлар ташкил қилинган, жойларда яйловлардан фойдаланувчилар уюшмалари шакллантирилган ва яйловлар ундан фойдаланувчиларга бириктирилган.

Тадбир якунида муҳокама этилган масала юзасидан вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорликда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалари белгилаб олинди ҳамда қўмитанинг таклиф ва тавсиялари акс этган тегишли қарори қабул қилинди.

## ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯ БЎЙИЧА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ БИЛАН ЧИҚДИ

*Хорижда ишлаш истагидаги фуқароларга ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатиш, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — долзарб масала. Кейинги йилларда мазкур соҳада тизимли ислоҳотлар амалга оширилиб, муҳим вазифалар белгилаб берилди.*

*2020 йил 20 октябрда "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Қонун Президент томонидан имзоланиб, унда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги меҳнат фаолиятига доир ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши мустаҳкамлаб қўйилди.*

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилиниб, хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилди, меҳнат мигрантларининг соғлиғи ҳамда ҳаётини суғурталаш, уларнинг оила аъзолари учун ипотека кредитларини ажратиш амалиёти жорий этилди.

Бироқ таҳлиллар ташқи миграция масалаларини тартибга солишда бир қатор муаммолар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, чет элга ишлаш учун кетган 1 840,0 минг нафар мигрантнинг атиги 11 минг нафари, яъни 0,6 фоизи Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ёки хусусий бандлик агентликлари орқали юборилган холос.

Аксарият ҳолларда фуқаролар чет элга ишлаш учун ноқонуний йўллар билан кетишга мажбур бўлмоқда. Оқибатда иш ҳақларини олиш, турар-жойсиз қолган фуқароларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш, бахтсиз ҳодиса натижасида оғир жароҳат олган, касалликка чалинган шахсларга тегишли кўмак бериш масалаларида ҳам айрим муаммолар мавжуд.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирига парламент сўрови юборилган эди. Сўровда вазирликдан ҳамюртларимизни хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш ҳамда соҳадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ва соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш масалалари юзасидан нуқтаи назарини билдириш сўралганди.

Парламент сўровига Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигидан жавоб келди. Унда вазирлик томонидан фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида ахборот берилган.

Жумладан, салоҳиятли иш берувчиларни қидириб топиш ва ҳамкорлик ўрнатиш борасида бир қатор хорижий давлатларнинг меҳнат бозори ўрганилган ҳамда музокаралар олиб борилган. Ўрганишларда Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасида қурилиш соҳасида ўзбекистонлик фуқароларга эҳтиёж юқорилиги маълум бўлган. Салоҳиятли иш берувчилар ҳамда улардаги иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар вазирлик ва Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги расмий ахборот манбаларида ҳамда "labor-migration" дастурий мажмуасида ёритиб борилган. Хорижий иш берувчилар билан мамлакатимиз фуқароларини ташкилий танлов асосида вақтинчалик меҳнат фаолиятига жалб қилиш юзасидан қатор давлатлардаги мутасадди ташкилотларга ҳамкорлик бўйича алоқа хатлари юборилган.

Россия Федерациясида ишлаш истагида бўлган фуқаролар учун ушбу мамлакатнинг бир қатор компаниялари иштирокида видеоконференцалоқа шаклида 24 та танлов ўтказилиб, унда қатнашган 17,6 минг ҳамюртимиздан 6 минг нафари иш берувчилар талабига жавоб бергани учун танлаб олинган.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда дунёнинг бир қатор давлатлари компаниялари билан имзоланган ҳужжатларга кўра фуқароларимизни хорижга ишга юбориш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шу йилнинг 16 март куни Наманган шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономарказида Москва шаҳри "Кўп тармоқли миграция маркази"нинг Ўзбекистондаги филиали очилган.

COVID-19 пандемияси даврида хорижда бўлиб турган 69 минг нафар меҳнат мигрантига маслаҳат-ахборот хизмати, 1 минг 240 нафарига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган. 3 минг 120 нафар меҳнат мигрантига турли даражадаги ижтимоий ёрдам кўрсатилган. Оғир вазиятга тушган меҳнат мигрантларини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1 минг 26 та ҳолатда амалий ёрдам берилган, 13,2 минг нафар меҳнат мигрантининг оиласига моддий ёрдам кўрсатилган.

"Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" Давлат дастури ижроси бўйича 2021 йил 20 март куни "Хорижий мамлакатлардаги Ўзбекистон меҳнат мигрантларига хизмат кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш тизимини тубдан ривожлантириш бўйича идоралараро чора-тадбирлар режаси" тасдиқланган.

Парламент сўровида кўтарилган масалалар юзасидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тегишли чора-тадбирлар амалга оширилишини маълум қилган.

Вазирлик ахбороти ЎзХДП фракцияси аъзолари томонидан чуқур ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

## ҲАЁТИМИЗ МАЗМУНИ КИНОЛАРДА АКС ЭТСИН

*Ҳар гал "Маҳаллада дув-дув гап", "Келинлар қўзғолони", "Суюнчи" каби кинофильмларни томоша қилганимизда кўнглимизни ажиб ҳис-туйғулар эгаллайди. Айниқса, улардан олинадиган маънавий озиқ, ибратли урф-одат ва анъаналаримизнинг ёш авлод жамиятда муносиб ўрнини топишида аҳамияти беқиёсдир.*

### Нуқтаи назар

Биргина "Суюнчи" фильмидаги Фармон бувини эсланг. Катта бир маҳалланинг "виждони" бўлиб, барчага панд-насиҳат қилиб, тўғри йўлга бошлаган киноқаҳрамон мана неча йилдирки, халқимизнинг чинакам маънавий бойлигига айланиб улгурган.

Аслида ҳам ҳеч бир миллат ўзининг маданиятига, маънавиятига бефарқ бўлмаслиги керак. Шу маънода юртимизда ёшлар одоб-ахлоқи, таълим-тарбияси, эртаси ва келажаги йўлида кино санъати ҳамда саноатини янада юксалтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимизнинг жорий йилнинг 7 апрелида эълон қилинган "Кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони фикримиз исботидир.

Бугун миллий кино санъатини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларни тизимли давом эттириш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш, яратилаётган ҳар бир санъат асари миллий менталитетимиз ҳамда жаҳон кино андозаларига мос келиши учун киносаноат инфратузилмасини яратишга қаратилган Фармон доирасида бир қатор масалалар кўзда тутилди.

Хусусан, ёшларни ватанпарварлик, шу юртга дахлдорлик, меҳр-муҳаббат туйғуларига йўғрилган ғоялар асосида камол топтириш, миллий қадриятлар, урф-одатлар ҳамда анъаналар асосида улғайтирмоқ кино санъати олдига қўйилган энг катта вазифалардан бири бўлди, десак, муболаға эмас.

Шу кунга қадар яратилган кинофильмларнинг барчаси ҳам талабга жавоб беради, дея олмаймиз. Айни чоғда улар ёшларимиз маънавий дунёсига салбий таъсир қилмади, десак, хато бўлади. Бугунги кунда аксарият киночилар кинонинг эзгу мақсадини, одамларга яхшилик улашишга оид инсонпарвар миссиясини унутиб қўйгандай. Демак, бу борада ҳали қилиниши керак бўлган амалий ишлар талайгина.

Юртбошимиз томонидан имзоланган Фармон эса мавжуд барча камчиликларни тузатиш ва кино санъатини ривожлантиришга замин бўлади. Фармонда "Ипак йўли дурдонаси" Тошкент халқаро кинофестивалини таъсис этиш ва уни 2021 йилдан бошлаб мунтазам ўтказиб бориш, олий таълим муассасаларининг кинематография йўналишида таълим олаётган талабаларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, "Олтин Ҳумо" миллий кино мукофоти тақдимотини ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб бориш каби масалалар устувор вазифа сифатида белгилаб берилган. Бундан ташқари, миллий кинематография соҳасида самарали фаолият кўрсатаётган ижодкорлар ва мутахассисларни рағбатлантириш мақсадида "Кинематография фидокори" кўкрак нишонининг таъсис этилиши ҳам киноижодкорларга катта куч, илҳом бағишлаши, шубҳасиз. Бу эса бундан кейин ўзбек кино вакилларининг ҳам халқаро кинофестивалларда муносиб иштирок этишига умид бағишлайди.

**Жамшид ХЎЖАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси,**
**Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи.**

### Мушоҳада

*Туркий халқларнинг келиб чиқиш тарихи Милоддан аввалги минг йилликларга бориб тақалади. Турк ҳоқонлиги, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар каби қадимги туркий давлатлар ўз даврининг энг қудратли салтанатларидан бўлган. Уларнинг таъсирида туркий тил ва турмуш тарзи кенг ёйила бошлаган, илм-фан, маданият ҳамда санъат юксак ривожланган, кўплаб буюк алломалар етишиб чиққан. Илм ва маданият аҳлининг улкан кашфиётлари, нодир асарлари нафақат туркий халқлар, балки жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.*

## ОЛИЖАНОБ ТАШАББУСНИНГ МУНОСИБ ЭЪТИРОФИ

Мустақиллик йилларидан бошлаб тарихий, маданий меросларимиз ота-боболаримиз томонидан яратилган маънавий бойликларимизни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ҳужжатнинг хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари доирасида фаол ташқи сиёсат олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши (Туркий кенгаш)нинг видеоконференция шаклида ўтказилган норасмий саммитида иштироки бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Мазкур тузилма тили ва дини ягона бўлган, тарихий ҳамда маданий ришталар бирбири билан боғлиқ бўлган, туркий қардош давлатлар ўртасидаги минтақавий ҳамкорликнинг самарали механизмига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Президенти маданий-гуманитар соҳалар аҳамиятига алоҳида тўхталиб, бу бўйича Кенгашда бир қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, халқларимизнинг дунёвий фанлар ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси ва бой маданий меросини чуқур ўрганиш, турли тадқиқотлар олиб бориш ҳамда жаҳон миқёсида тарғиб этиш бўйича эришилган ютуқларни эътироф этиш, энг муҳими, туркий дунё ривожига, минтақадаги халқимизнинг фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшган шахсларни рағбатлантириш мақсадида халқаро Алишер Навоий номидаги мукофотни жорий этиш таклифи берилди.

Алишер Навоий — Шарқ Ренессансининг йирик намояндаси сифатида жаҳон цивилизацияси тарихида, айниқса, туркийзабон халқлар маданий ва маънавий ҳаётининг ривожида алоҳида ўрин тутадиган ёрқин шахсдир.

Мазкур халқаро мукофот заминимиз маданияти ва бой маданий мероси дунё миқёсида эътироф этилишида, бутун жаҳонда тарғиб қилинишида "локомотив" бўлиб хизмат қилади. 150 миллионга яқин аҳолига эга бўлган Туркий кенгашга аъзо давлатлар доирасида маданий меросимизни ҳар томонлама ўрганиш, шунингдек, халқларимизнинг дунёвий фанларга қўшган ҳиссасини тарғиб қилишда бу каби олий мукофотнинг таъсис этилиши соҳа мутахассисларининг тадқиқотлари самарадорлигини янада оширишга катта ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

Шу нуқтаи назардан ҳам, халқаро Алишер Навоий номидаги мукофотнинг таъсис этилиши ва бу олижаноб ташаббуснинг туркий давлатлар раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланиши қувонарли ҳол, албатта.

Мазкур вазифалар давлатимиз раҳбари томонидан шундай юксак минбардан белгиланиши бежиз эмас. Чунки буюк алломаларимиз, олиму фузалоларимиз тарихий ривожланиш жараёнида жаҳон тамаддуни равнақига улкан ҳисса қўшган. Бу борадаги ишлар бугунги кунда Президентимиз раҳбарлигида янгича мазмун касб этмоқда.

**Дилфуза ЎРАЛОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси,**
**Боёвут тумани ҳокими.**

## КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИБ, ҚЎШИМЧА ЕНГИЛЛИКЛАР БЕРАДИ

*Президентимиз томонидан шу йил 1 апрель куни "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонун имзоланди. Хўш, унинг мазмун-моҳияти, афзалликлари нимада?*

*Аввало, айтиш керакки, бугунги кунда республикамизнинг 650 минг гектарга яқин майдонида деҳқон хўжаликлари фаолият юритмоқда. Аввалги таҳрирдаги қонунда деҳқон хўжаликларига ер ажратиш умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилган эди. Шу сабабли айрим ҳолларда деҳқон хўжалиги ерларига уй-жой қуриб олиш ҳолатлари кузатиларди. Янги қабул қилинган Қонуннинг 6-моддасида деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун ажратиб бериладиган ер участкалари ижарага (иккиламчи) берилиши аниқ қилиб белгилаб берилди.*



### Янги Қонун

Шунингдек, деҳқон хўжаликларига ўз фаолиятини боғдорчилик ва узумчиликка иқтисослашуви асосида бериладиган ер участкалари эллик йил муддатга ёки сабзавотчилик, полизчилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун бериладиган ер участкалари ўттиз йил муддатга берилади. Иккиламчи ижарага фермер хўжаликлари ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан деҳқон хўжаликларини юритиш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг асосий экиндан бўшаган қисмларида оралиқ қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун бир мавсумга берилади.

Қонуннинг 8-моддасида эса деҳқон хўжаликларини юритиш учун ажратиб бериладиган ер участкалари ҳажми ҳам аниқ қилиб келтириб ўтилди. Яъни эндиликда бу майдонлар 0,06 гектардан 1 гектаргача бўлади. Иккиламчи ижарага эса асосий экиндан бўшаган ер участкаларидан 0, 06 гектардан 10 гектаргача ажратилади.

Қонуннинг 5-моддасида деҳқон хўжалигига кимлар аъзо бўлиши ҳам аниқ қилиб белгилаб қўйилди. Яъни улар оила бошлиғи, унинг хотини (эри), ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган болалари ва набиралари, бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эри (хотини), туғишган ҳамда ўгай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эри (хотини) бўлиши мумкин.

Қонунга кўра, деҳқон хўжалиги деҳқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларида, шунингдек, деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи мерос бўйича ўтган шахсларга берилган ер участкаларида;

— захира ерларнинг, шу жумладан, қайта тикланган ва фойдаланишга киритилган ерларнинг таркибидан ижарага берилган ер участкаларида;

— фойдаланилмаётган ўрмон фонди ерлари ҳамда бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ерлари таркибидан хавфсизлик талабларига ва техник талабларга қатъий риоя этилишини таъминлаш шарти билан ижарага берилган ер участкаларида;

— сув объектларининг қирғоқлари бўйидаги ерлар таркибидан хавфсизлик талабларига ва техник талабларга қатъий риоя этилишини таъминлаш шарти билан ижарага берилган ер участкаларида ташкил этилиши мумкин.

Деҳқон хўжалигида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилиш учун имтиёзлар ҳам мавжуд. Яъни деҳқон хўжалиги Деҳқон хўжаликларининг ягона давлат реестридан кўчирма асосида ўз қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қўшимча ҳужжатларсиз (рухсатномаларсиз) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин ташиш ва реализация қилиш ҳуқуқига эга.

Шу билан бирга, у қишлоқ хўжалиги маҳсулотини даласида, деҳқон бозорларида ва савдо марказларида, шунингдек, аҳоли пунктларида сайёр савдо ташкил этиш йўли билан қўшимча рухсатномаларсиз (лицензияларсиз) реализация қилади.

Деҳқон хўжалиги ўзининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини нақд пулга ёки банк карталари бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали чекловларсиз сота олади. Бунда деҳқон хўжалиги хўжалик юритувчи субъектлар учун ўрнатилган касса операциялари қоидаларига мувофиқ ҳисоб юритиши шарт эмас.

Деҳқон хўжалиги ўзининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузади ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган даромадларга солиқ солинмайди.

Қисқача айтганда, ушбу Қонун деҳқон хўжаликлари раҳбарларига масъулият юклаш баробарида, фаолиятини самарали юритиш учун кенг йўл очиб беради.

**Бегали ҚОДИРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЖОЗИБАСИ

## ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ХАЛҚАРО ИНШОЛАР ТАНЛОВИДА ЯНА БИР БОР НАМОЁН БЎЛМОҚДА

**Аббаси Ал-Мерриад, (Покистон)**
**Шанхи нормал университети талабаси:**



— Ушбу иншолар танловининг ташкил этилганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Зеро, бу ёшларнинг Буюк Ипак йўли ўтган ҳудудларда яшовчи миллатлар ва элатлар, уларнинг моддий ҳамда номоддий бойликлари, туризм ва дипломатик муносабатлари тарихини чуқур ўрганишига янада кенг имкон яратади. Мазкур билимлар беллашувининг Ўзбекистон томонидан ташкил этилгани ҳам бежиз эмас. Чунки ушбу мамлакатнинг қадимий ва бетакрор кенти — Самарқанд Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган.

Шарқий Туркистон ва Хитойга, Ҳиндистон ҳамда Жанубий Кавказга, Эрон ва Византияга, ундан кейин Европага олиб борган Буюк Ипак йўлининг барча тармоғи Ўрта Осиёни, замонавий Ўзбекистон ҳудудини кесиб ўтган. Икки минг йилдан кўпроқ вақт олдин ушбу йўл чорраҳасида энг йирик шаҳарлар — Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз вужудга келган. Ўлкада халқларнинг аралашуви юз берган, давлатлар пайдо бўлган, диний ва фалсафий таълимотлар шаклланиб, зардуштийлик, буддизм, ислом дини тарқалган. Биз Буюк Ипак йўли ҳақида иншо ёзиш асносида бу каби тарихнинг қизиқарли маълумотларини янада кенг билиб оламиз.

**Фанг Ге, (Хитой)**
**Сиан халқаро университети талабаси:**

— Буюк Ипак йўли нафақат савдо алоқаларини ривожлантиришга, балки Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг дипломатик алоқаларни ўрнатишига ҳам ёрдам берди.

Хитой қўлёзмаларига кўра, Ипак йўли II аср ўрталаридан ривожлана бошлаган. Милоддан аввалги 138 йилда Хитой императори У Ди томонидан Ғарб мамлакатларига юборилган элчилар орадан 13 йил ўтиб, қайтиб келишади. Шундан сўнг Марказий Осиё орқали Хитой ва Ғарб давлатлари ўртасидаги савдо алоқалари бошланади. Моллар ортилган карвонлар Ғарбдан Хитойга йўл олади.

Таъкидламоқчиманки, ушбу буюк карвон йўлининг тарих ва тараққиётга қўшган улкан ҳиссаси ҳали-ҳамон ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. Буюк Ипак йўлида жойлашган университетлар талабалари ўртасида ўтказилаётган танлов ёш олимларнинг бу борада ғайрат ва шижоатини янада оширади, деб ўйлайман.





**Чжан Шу Юнь, (Корея Республикаси)**
**Сичуан университети талабаси:**

— Ўзбекистон Республикаси Мирзо Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон талабалар ассоциацияси жамоат бирлашмаси Самарқанд давлат университети билан ҳамкорликда “Европа ва Осиёнинг Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатлари хаби” мавзуида халқаро иншолар танловини ўтказаётганидан ғоят мамнун бўлдим. Зеро, ёшлар онгу қалбига қаратилган турли ахборот хуружлари авж олган бугунги замонда инсонларга билим ва маърифат берадиган, салоҳиятни оширишга ундайдиган лойиҳаларнинг аҳамияти улкан.

Турли халқларнинг ўзаро таъсирида Буюк Ипак йўли маданиятлар, жамиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамловчи, узоқ муддатли, тинч, ўзаро ҳамкорликнинг ажойиб моделини тақдим этган инновацион савдо йўли эди. Мазкур танлов ёшлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада кенгайтириш, уларнинг умумқадриятлар тўғрисидаги хабардорлигини оширишга хизмат қилиб, Буюк Ипак йўлининг тарихий ўрнини янада кучайтиради, деган умиддаман.

**Ирина Мунтиан, (Украина)**
**Киев Миллий университети талабаси:**

— “Европа ва Осиёнинг Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатлари хаби” мавзуидаги иншолар танлови халқаро туризм ривожида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Биламизки, Самарқанд Буюк Ипак йўлининг маркази ва асосий чорраҳаси ҳисобланади. Шу боис ушбу шаҳарда Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЖСТ) Буюк Ипак йўлида туризмни ривожлантириш бўйича ваколатхонасини очди. Таъкидлаш жоизки, ЖСТнинг Самарқанддаги бюроси дунёда иккинчи бўлди (биринчиси Япониянинг Осака шаҳрида жойлашган).



Танлов боис дунё ёшларининг Самарқандга эътибор ва қизиқиши янада кучайди. Танловда қатнашиш мақсадида ушбу шаҳар тарихини янада чуқур ўрганишга киришдим. Мазкур қадимий кентнинг гуллаб-яшнаган даври бу ерни ўз салтанати пойтахтига айлантирган Амир Темур ҳукмронлиги йилларига тўғри келади. Буюк саркарда ўзи забт этган мамлакатлардан моҳир меъморлар, усталар, ҳунармандларни Самарқандга олиб келган. Улар маҳаллий ҳунармандлар билан бирга муҳташам саройлар, масжидлар ва мадрасалар барпо этишган. Қурилиш ишлари Амир Темур авлодлари — темурийлар даврида ҳам давом этган. Бир неча авлодлар давомида барпо этилган улуғвор Бибихоним масжиди, Амир Темур мақбараси, афсонавий Регистон майдони ва Шоҳи-Зинда мажмуаси Марказий Осиё меъморчилигининг дурдоналари, деб ҳақли равишда қайд этилади. Ушбу обидаларни бориб томоша қилиш ниятидаман.

**Нкоане Яник, (Ангола)**
**Россия халқлар дўстлиги университети талабаси:**



— Ёшлар ўртасидаги ушбу иншолар танлови янги Ўзбекистоннинг жозибасини яна бир бор намоён этади.

Биз Буюк Ипак йўлининг тарихи ва дунё тамаддунида тутган аҳамиятини ўрганар эканмиз, ушбу савдо йўли ўтган давлатларнинг бугунги кундаги тараққиёти, жаҳонда тутган ўрни, аҳолисининг турмуш тарзи, маданий ва маънавий даражасига қизиқамиз. Бу борада, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг бугунги жамоли, унинг халқ фаровонлигини таъминлаш, дунёда ўз ўрнига эга бўлишга қаратилган дадил қадамлари кўзга яққол ташланади.

**Виктория Волкова, (Румыния)**
**Ясски университети талабаси:**

— Мазкур танлов жаҳон ёшларини ўзаро дўстлашишга ундайди, улар ўртасида билим ва маданият алмашинувини таъминлайди. Зотан, Буюк Ипак йўлининг ўзи айни шу жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган. Унинг географик қамрови даражаси ҳали тўла аниқланмаган. Ушбу йўналиш Осиё, Африка ҳамда Европа минтақалари бўйлаб чўзилган қуруқлик ва денгиз йўлларини ўз ичига олади. Буюк Ипак йўлининг йўналишлари Шарқий, Жанубий ҳамда Жануби-Шарқий Осиёдан бошланиб, Россия даштлари, Ўрта Осиё, Ҳиндистон яриморололи, Эрон ва Анатолий платоси ҳамда Арабистон яриморолини кесиб ўтган. Шунингдек, ҳозирги Танзания ва Марокаш ўртасидаги минтақаларни, Шарқий ҳамда Шимолий Африкани ҳам қамраб олган. Шарқий ва Жанубий Европани кесиб ўтиб, Иберия яриморолига етиб борган.

Икки минг йилдан зиёд вақт мобайнида Ипак йўли йўналишлари тармоғи турли одамлар ва маданиятлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни яқинлаштирди. Савдо ҳамда товар айирбошлаш муносабатларига асосий туртки бўлди.



Ишонамизки, Буюк Ипак йўлида жойлашган университетлар талабалари ўртасида ўтказилаётган танлов қадимий савдо йўлининг эзгу қадрият ва анъаналарини яна бир бор намоён этиб, янги маълумотлар, билим ҳамда ғоялар оқимига туртки беради.

**Ванг Жинг, (Япония)**
**Нагоя университети талабаси:**



— Мазкур иншолар танлови Буюк Ипак йўлининг дунё цивилизациясида тутган ўрнини янада чуқур ўрганишимизга шарт-шароит яратади. Буюк Ипак йўли тарихи — Шарқ ва Ғарб халқлари ўртасидаги кенг маданий ўзаро таъсир ҳамда алмашинув тарихидир. Бу фақат яқин ҳамкорлик ва маданиятларни ўзаро бойитишгина эмас, бутун инсоният учун тинчлик ҳамда тараққиётнинг асосидир. Ушбу йўлнинг муҳим йўналишлари кесишган нуқтасида Марказий Осиё бўлган. Бу ерга турли мамлакатлардан савдогарлар, ҳунармандлар, олимлар ва мусиқачилар келишган. Буюк Ипак йўли туфайли Ўрта Осиё халқлари Ғарб ҳамда Шарқ иқтисодиёти ва маданияти ютуқларидан хабардор бўлган. Дунё ёшларини бирлаштирган танлов уларнинг жаҳон халқлари маданияти билан яқиндан танишишига ҳам катта йўл очади.

**Табриз Мамараҳимов, (Озарбайжон)**
**Вильнюс университети талабаси:**



— Бутун дунёда Буюк Ипак йўлига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Дарҳақиқат, мазкур йўл савдо-иқтисодий алоқаларни глобаллаштиришга қаратилган биринчи лойиҳадир. Бу эътироф тарихий тажрибани ўрганишнинг аҳамиятини янада оширади. Бундан ташқари, асрлар давомида шаклланган алоқалар ҳеч қаерга кетган эмас. Балки кўплаб давлатлар ўша вақтдан бери турли йўналишларда ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Буюк Ипак йўлида жойлашган университетлар талабалари ўртасида ўтказилаётган танлов қадимий савдо йўлининг улкан аҳамияти, жаҳон тараққиётига таъсири, тарихни янада чуқурроқ ўрганишга, унинг янги қирраларини кашф этишга ундайди.

**«Халқ сўзи».**

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан**

*“аёллар дафтари” тизими бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишларда фидокорона меҳнатлари билан барчага ўрнак бўлаётган, аёлларнинг муаммо ва мурожаатлари ҳал этилишига салмоқли ҳисса қўшаётган масъул ходимларни муносиб рағбатлантириш бўйича*

- ✔ республикамиз ҳудудларидаги маҳаллалар раислари ўртасида хонадонбай ишлашда **“Энг яхши маҳалла раиси”**;
- ✔ ҳудудлардаги сектор раҳбарлари ўртасида маҳаллабай ишлашда **“Энг яхши сектор раҳбари”**;
- ✔ гендер сиёсати ва мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий ҳаётида аёллар ролини ошириш борасидаги ишларни намунали ташкил этган корхона раҳбарлари ўртасида **“Энг намунали аёл иш берувчи”**;
- ✔ “аёллар дафтари” орқали кўмак олиб, иш ўрни яратган ва маҳалласидаги хотин-қизларни иш билан таъминлаган тадбиркор аёллар ўртасида **“Касаба уюшмалари лауреати” мукофоти учун танловлар ўтказилмоқда.**

**Мазкур танловларнинг асосий мақсади** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан йўлга қўйилган “аёллар дафтари” тизими йўналишидаги ишларни қўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини ошириш, хусусан, хотин-қизлар муаммоларини хонадонбай ва маҳаллабай ўрганиш ва ҳал этишга кўмаклашиш, гендер сиёсатини қўллаб-қувватлаш, “аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, эҳтиёжманд хотин-қизлар бандлиги ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлишларини таъминлаш орқали уларни камбағалликдан чиқариш ишларига муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир.

Бир неча босқичларда ўтказилаётган “Энг яхши маҳалла раиси”, “Энг яхши сектор раҳбари”, “Энг намунали аёл иш берувчи” ва “Касаба уюшмалари лауреати” танловларида иштирок этиш истагида бўлган номзодлар тегишли ҳужжат ҳамда материалларни 2021 йилнинг 1 июнига қадар туман ва ҳудудий ташкилий қўмиталарга тақдим этишлари лозим.

Танловларнинг республика финал босқичи ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги байрами арафасида эълон қилинади.

**Ғолибларни тантанали тақдирлаш тадбири 2021 йил 11 ноябрь — “Ўзбекистон касаба уюшмалари куни”да ўтказилади.**

**Танловлар ғолибларига Президент совғаси сифатида:**

**1-ўрин учун** “Ласетти” автомобили;

**2-ўрин учун** “Кобальт” автомобили;

**3-ўрин учун** “Спарк” автомобили топширилади.

Танловлар ва уларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги батафсил маълумотларни Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий Кенгашлари ҳамда Федерациянинг **www.kasaba.uz** веб-портали орқали олишингиз мумкин.

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси.**



# «МИКРОКРЕДИТБАНК» МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК БЎЙИЧА 21,3 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИЛИК ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРДИ

*“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки бугунги кунда ўзининг хорижий кредит линиялари орқали жалб қилинган маблағлари билан инвестиция жараёнларида фаол иштирок этиб келаётир.*

MIKROKREDITBANK

## Ҳамкорлик

Жумладан, ўтган вақт мобайнида банкка жалб қилинган хорижий молия институтлари кредит линияларининг маблағларини ўзлаштириш ҳамда истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)нинг “Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат “занжири” яратишни ривожлантириш” кредит линиясининг 27,1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари жалб қилинган.

Бугунги кунга қадар ушбу маблағлар ҳисобидан 21,3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги 18 та лойиҳа молиялаштирилиши натижасида умумий майдони 58 гектар бўлган иссиқхона комплекси, 1000 тонна ҳажмда мева-сабзавотларни сақлаш омборхонаси ҳамда 300 гектар майдонда интенсив боғ ташкил этилди. Ушбу лойиҳалар тўлиқ ишга туширилиши билан 500 дан ортиқ иш ўринлари яратилади.



“Микрокредитбанк” АТБ томонидан Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)нинг қолган маблағлари ҳисобидан ҳудудларда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича истиқболли лойиҳалар молиялаштирилмоқда.

Жумладан, Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманидаги “Ecoline Lider Plast” МЧЖ ҚКга ажратилган 773 413 АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағи ҳисобига 1,5 гектар майдонда замонавий иссиқхона ва кўчатхона барпо этилмоқда.

Лойиҳа амалга ошгач, корхона иссиқхонада помидор, бодринг, булғор қалампири каби маҳсулотлар етиштириш билан бирга, ҳудуддаги бошқа иссиқхона хўжаликларига сифатли кўчатлар етказиб бериши лойиҳанинг афзаллиги ва хориждан жалб қилинган кредит линияларидан самарали фойдаланиш натижаси ҳисобланади.

Умуман, “Микрокредитбанк” иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификациялашга доир инвестиция лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш йўлида самарали фаолият олиб бормоқда.

**Банк ахборот хизмати.**

Реклама ўрнида

*Хизматлар лицензияланган.*

РЕКЛАМА





Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 27 260 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.35 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6